

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

УСАНБАЕВ НАЖИМУДДИН ХАЛМУРЗАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ҚЎНҒИР КЎМИРЛАРИДАН ОРГАНИК
МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ВА МЕЛИОРАНТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Усанбаев Нажимуддин Халмурзаевич

Ўзбекистон қўнғир кўмирларидан органик минерал ўғитлар ва
мелиорантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Усанбаев Нажимуддин Халмурзаевич

Разработка технологии получения органоминеральных удобрений и
мелиорантов из бурых углей Узбекистана 29

Usanbayev Najimuddin

Development of organicmineral fertilizers and meliorants technology based
on Uzbekistan brown coal 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

УСАНБАЕВ НАЖИМУДДИН ХАЛМУРЗАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ҚЎНҒИР КЎМИРЛАРИДАН ОРГАНИК
МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ВА МЕЛИОРАНТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/T82 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Беглов Борис Михайлович

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Усманов Султон Усманович

техника фанлари доктори, профессор

Жуманиязов Максуд Жаббиевич

техника фанлари доктори, профессор

Шамшиддинов Исраилжон Тургунович

техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Навоий Давлат кончилик институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 3 апрель 2018 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanguz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2018 йил 17 март куни тарқатилди.
(2018 йил 17 мартдаги 7 рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., проф., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалиги иқтисоднинг муҳим соҳаси, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий манбайи ҳисобланади. Бу ўринда, тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ва сув ресурслардан унумли фойдаланиш имконини берувчи органик минерал ўғитлар ва мелиорантлар билан агросаноат комплексини таъминлаш қишлоқ хўжалиги экинларидан сифатли ва юқори ҳосил олишнинг асосий омили ҳисобланади. Шу сабабдан, қишлоқ хўжалиги учун зарур таркибида гумус моддалари бўлган самарали органик минерал ўғитлар ва мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида тупроқлар таркибидаги гумус моддалари камайиб кетаётганлиги сабабли органик ресурслардан фойдаланиб таркибида гумус моддалари бўлган ўғитлар, ўсимликларни ривожлантириш стимуляторлари, гуминли мелиорантлар ишлаб чиқаришга ва уларни қишлоқ хўжалигида қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада тупроқлар унумдорлигини сақлашда зарур бўлган гуминли ўғитлар ва мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Таркибида гумус моддалари бўлган ўғитлар ва мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқишда қатор, жумладан қуйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш зарур: таркибида гумус моддалари кам бўлган кўнғир кўмирларни турли оксидловчилардан фойдаланиб кўмирнинг органик қисмини тўлароқ гумин кислоталарига айлантириш учун оксидлашни мақбул технологик кўрсаткичларини аниқлаш; таркибида гумин кислоталари юқори бўлган оксидланган кўмир асосида юқори самарали органик минерал, азот-гумусли, фосфор-гумусли ўғитлар ва гуминли мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш йўналишида бажарилган илмий тадқиқотлар натижасида маҳаллий хом ашёлардан ташиш, сақлаш хавфсиз бўлган термик барқарор аммиакли селитра, ўсимликларни экиш олдидан ва ривожланиш даврида қўллашга мўлжалланган қатор минерал ўғитларни (аммофос, супрефос, PS-Агро, суперфосфат, аммофосфат, фосфор тутган аммиакли селитра) Республикамиз кимё саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқариш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш»га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, хом ашёлардан тупроқ унумдорлигини ва ўсимликлар ҳосилдорлигини оширувчи азот-гумусли ва фосфор-гумусли органик минерал ўғитлар ва гуминли мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4-мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлари дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Таркибида гумус моддалари бўлган ва қайта ишлаб гумус моддаларини ошириш мумкин бўлган хом ашёларни гуминли ўғитлар ва мелиорантларга қайта ишлашга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан American Colloid Companu, Concho Petroleum Co, Scientific and Applied Processes Pty., Ltd, American Humates Inc (АҚШ), Kogyo gidzyutsu intyo, Kamishimo Kagaku Kogyo Kabushiki Kaisha, Hunnon dzyukagaku koge k.k., Nihon kabayto kogyo Kabushiki Kaisha (Япония), Indian Institute of Technology (Ҳиндистон), Iran University of Science and Technology (Эрон), Oesterreichisch-Alpine Montangesellschaft, Simmering-Graz-Panker AG fur Maschinen, Kessel und Waggonban (Австрия), Ўғитлар ва инсектофунгицидлар институти (Россия), Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Гуминли ўғитлар ва мелиорантлар олишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: таркибида гумин кислотаси бўлган азот-гумусли ўғит олиш усули яратилган (American Colloid Companu АҚШ), лигнинни аммоний гидроксид билан таъсирлаштириб ўсимликларни ўстирувчи донадор стимулятор олиш усули яратилган (Concho Petroleum Co АҚШ); кўмирни нитрат кислотани фосфор ёки сульфат кислотали аралашмаси билан ишлов бериб, сўнгра куйқани аммиак билан нейтраллаб гумусли ўғит синтез қилиш усули ишлаб чиқилган (Oesterreichisch-Alpine Montangesellschaft Австрия); нитрогумин кислотали суперфосфат олиш усули яратилган (Kamishimo Kagaku Kogyo Kabushiki Kaisha Япония).

Дунёда гумус табиатли хом ашёлардан гуминли ўғитлар ва мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таркибида гумин кислоталари кам бўлган кўмирларни қайта ишлаб гумин кислоталари

миқдорини ошириш мақбул шароитларини аниқлаш, оксидланган кўмирлардан ўсимликларни ўстирувчи гуминли стимуляторларни ажратиб олиш, оксидланган кўмирлар асосида гуматлар, органик минерал ўғитлар ва гуминли мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда таркибида гумин кислоталари бўлган кўмирлардан ўсимликларни ўстириш стимуляторлари, органик минерал ўғитлар ва гуминли мелиорантлар олиш бўйича ишлар кенг ёритилган. Айнан шундай Искандария (Украина), Гусино-Озерск, Соленцова (Россия), Қизил-қия (Қирғизистон), Бабаевск (Бошқирдистон) шунингдек Беларусия, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистоннинг кўплаган кўмир конларидан ўсимликларни ўстириш стимуляторлари ва турли гуминли ўғитлар ва мелиорантлар олинган. Олинган гуматлар ва гуминли ўғитлар турли тупроқ ва ҳар хил қишлоқ хўжалик экинларида юқори агрокимёвий самарадорлик кўрсатган. Ўзбекистоннинг Ангрен кони кўмирларидан ҳам органик минерал ўғитлар ва стимуляторлар олиш бўйича қатор тадқиқотлар ўтказилган (Таджиев А.Т., Забрамний Д.Т., Победоносцева Н.И., Беглов Б.М., Жуманова М.О.).

Алоҳида қайд этиш керакки, тупроқ ва кўмир гумин моддалари тадқиқотларига йирик олимлар Орлов Д.С. (Москва давлат университетининг тупроқшунослик факультети), Кононова М.М. (Докучаев В.В. номидаги тупроқшунослик институти), Кухаренко Т.А. (Россия фанлар академиясининг ёнилғи конлари институти), Христева Л.А. (гуминли ўғитлар муаммолари бўйича Днепропетров қишлоқ хўжалиги институти лабораторияси), Азанова-Вафина Ф.Г. (Бошқирдистон қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институти) ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган. 1957-1983 йилларда Христева Л.А. мактаби томонидан “Гуминли ўғитлар ва уларни қўллашни назарияси ва амалиёти” номли тўққизта мақолалар тўплами чоп этилган.

Аммо Ангрен кони кўмирини нитрат кислотада оксидлаб, сўнгра нитрат кислота-кўмирли қуйқа билан Марказий Қизилқум фосфоритларини парчалаб органик минерал ўғитлар олиш, кўмирни нитрат кислотада сирка кислота иштирокида, водород перексид билан сирка кислота иштирокида оксидлаш, нитрат кислотада босқичли оксидлаш йўли билан суюқ ва қаттиқ азот-гумусли ўғитлар олиш, Қизилқум фосфоритлари фосфоркислотали қуйқасига кўмирнинг оксидланган маҳсулоти билан ишлов бериш йўли билан фосфор-гумусли ўғитлар ва оксидланган кўмир асосида тупроқ структурасини яхшилайдиган гуминли мелиорантлар олиш жараёнлари тадқиқотлари олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИФА-2012-7-2 «Ангрен кони кўнғир кўмири, Марказий Қизилқум фосфоритлари ва фосфогипс асосида органик минерал ўғит олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2013 йй.) ва 7-ФА-1-61873 «Гумин тутган ўғитларни саноат миқёсида синовдан ўтказиш ва уларни

қишлоқ хўжалиги экинларига таъсирини агрокимёвий баҳолаш» (2014-2015 йй.) мавзуларидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўмирни оксидлаш йўли билан гумин кислоталар миқдорини ошириш, оксидланган кўмир, Қизилқум фосфоритлари, аммиакли селитра ва карбамид эритмаси асосида гуминли ўғитлар ва мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ангрен кони қўнғир кўмири органик қисмини максимал даражада гумин кислоталарга айлантириш мақсадида нитрат кислотада, нитрат кислотада сирка кислота иштирокида, водород перексидда сирка кислота иштирокида ва нитрат кислотада босқичли оксидлаш жараёнлари мақбул шароитларини аниқлаш;

дастлабки ва оксидланган кўмир маҳсулотларини кимёвий, ИК-спектроскопик, микроскопик ва эмиссион-спектрли таҳлил қилиш;

кўмирни нитрат кислотада оксидлаганда газ фазага ажралиб чиқадиган азот оксидларини абсорбциялаш мақбул шароитини аниқлаш;

оксидланган кўмир гумин кислоталарининг кальций нитрат ва фосфатлар ҳамда Қизилқум фосфоритлари билан ўзаро таъсирлашувини исботлаш;

нитрат кислота-кўмирли қуйқада фосфоритларини парчалаш асосида органик минерал ўғитлар олиш ва кўмирни нитрат кислотада босқичли оксидлаш йўли билан суюқ ва қаттиқ азот-гумусли ўғитлар олиш жараёнларини мақбул шароитларини аниқлаш;

Қизилқум фосфоритлари фосфоркислотали қуйқасини оксидланган кўмир билан аралаштириш йўли билан фосфор-гумусли ўғитлар олиш жараёнлари мақбул технологик режим параметрларини аниқлаш;

оксидланган кўмир асосида тупроқ физик ҳолатини яхшилайдиган гуминли мелиорантлар олиш жараёнларини тадқиқ этиш;

гуминли ўғитлар олиш технологиясини йириклаштирилган лаборатория қурилмасида синовдан ўтказиш ва маҳсулотни тажриба партиясини олиш;

гуминли ўғитлар олиш технологияларини минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қурилмаларида тажриба-саноат синовидан ўтказиш;

мақбул шароитда олинган гуминли ўғитларнинг товар ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

таклиф этилаётган ўғитларнинг моддий балансини ҳисоблаш, технологик тизимини ва технологик регламентини тайёрлаш ва уларни агрокимёвий синовини ўтказиш;

гуминли ўғитлар ишлаб чиқаришни техник-иқтисодий ҳисобларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти қўнғир кўмир, Марказий Қизилқум фосфоритлари, оксидланган кўмир маҳсулотлари, фосфоритларни нитрат кислотали кўмирли қуйқада парчаланган маҳсулотлари, органик минерал ўғитлар, суюқ ва қаттиқ азот-гумусли ўғитлар, фосфор-гумусли ўғитлар, гуминли мелиорантлар.

Тадқиқотнинг предмети кўмирни оксидлаш жараёнлари, улардан ҳар хил турдаги гуминли ўғитлар, мелиорантлар олиш технологиялари ва агрокимёвий синов.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кимёвий, физик-кимёвий жумладан эмиссион-спектрал, ИҚ спектроскопия, микроскопик, термик ва графостатик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ангрен кони кўнғир кўмири таркибида гумин кислоталар миқдорини ошириш мақсадида нитрат кислотада, нитрат кислотада сирка кислота иштирокида, водород перексидда сирка кислота иштирокида оксидлаш жараёнларини мақбул шароитлари аниқланган;

биринчи маротаба кўмирни нитрат кислотада босқичли оксидлаш натижасида гумин кислоталарни умумий чиқиши дастлабки кўмирнинг органик қисмига нисбатан 91,96 % ташкил этиши исботланган;

оксидланган Ангрен кўмири гумин кислоталарини нитрат ва фосфор кислоталарининг кальцийли тузлари ва Марказий Қизилқум фосфоритлари билан ўзаро таъсирлашуви натижасида гумин кислоталарининг кальцийли тузлари ҳосил бўлиши асосланган;

таркибида азот, фосфор ва гумус моддалари бўлган янги органик минерал ўғит олиш технологияси ишлаб чиқилган;

биринчи маротаба кўнғир кўмирни босқичли оксидлаш йўли билан янги суюқ ва қаттиқ азот-гумусли ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Қизилқум фосфоритлари фосфоркислотали қуйқасига кўнғир кўмирнинг нитрат кислотада оксидланган маҳсулоти билан ишлов бериш йўли билан фосфор-гумусли ўғитлар олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

нитрат кислота ва водород перексидда оксидланган кўмир асосида тупроқ структурасини яхшилайдиган гуминли мелиорантлар олиш имконияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хом ашёлар асосида азот-фосфор-гумусли, суюқ ва қаттиқ азот-гумусли, фосфор-гумусли органик минерал ўғитлар олиш технологиялари ишлаб чиқилди;

оксидланган кўмир асосида тупроқ структурасини яхшилайдиган гуминли мелиорантлар олиш шароитлари таклиф этилди;

янги турдаги гуминли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг моддий баланси, технологик тизими ва регламенти ишлаб чиқилди, жараёнларни мақбул технологик параметрлари таклиф этилди;

Ангрен кони кўнғир кўмири асосида суюқ ва қаттиқ азот-гумусли ўғитлар олиш технологияси «Farg'onaazot» АЖда ҳамда азот-фосфор-гумусли ўғит олиш технологияси «Аммофос-Максам» АЖда саноат-тажриба синовларидан ўтказилди. Олинган ўғитларнинг агрокимёвий синовлари ўтказилди ва ижобий натижалар олинди. Ҳозирги кунда «Farg'onaazot» АЖда мазкур технологиялар асосида гумусли ўғитлар ишлаб чиқариш жорий этилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик кимёвий (ИК спектр, термик, микроскопик эмиссион-спектрал) таҳлил натижалари тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ангрен кони қўнғир кўмирини нитрат кислотада, нитрат кислотада сирка кислота иштирокида, водород перексидда сирка кислота иштирокида, нитрат кислотада босқичли оксидлаш, оксидланган кўмир гумин кислоталарини нитрат ва фосфор кислоталарининг кальцийли тузлари ва Қизилқум фосфоритлари билан ўзаро таъсирлашуви, оксидланган кўмир ва маҳаллий хом ашёлар асосида гуминли ўғитлар ва мелиорантлар олиш жараёнларини системалаштирилган илмий, кимёвий, физик-кимёвий ва технологик тадқиқотларини ўтказиш ва асосий қонуниятларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ангрен кони қўнғир кўмири, Марказий Қизилқум фосфоритлари, нитрат кислота асосида азот-фосфор-гумусли, суюқ ва қаттиқ азот-гумусли, фосфор-гумусли ўғитлар, тупроқ структурасини яхшилайдиган гуминли мелиорантлар тавсия этилди, уларни олиш технологияси ва мақбул технологик меъёрлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ангрен қўнғир кўмирини нитрат кислотада оксидлаш, оксидланган кўмир ва Марказий Қизилқум фосфоритларини органик минерал ўғитларга ва гуминли мелиорантларга қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

органик минерал ўғит олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти олинган (№ IAP 03045). Натижада оксидланган қўнғир кўмир ва Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида органик минерал ўғитлар олиш имконияти яратилган;

Ангрен қўнғир кўмирини нитрат кислотада оксидлаш, оксидланган кўмирдан гумат аммоний ажратиб олиш ва гумат аммоний асосида суюқ азот-гумусли ўғитлар олиш технологияси «Farg'onaazot» АЖда амалиётга тадбиқ этилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 21 февралдаги 03-754/Л сон маълумотномаси). Натижада самарадорлиги юқори бўлган суюқ азот-гумусли ўғитлар олиш имконини берган;

нитрат кислотада оксидланган кўмир асосида қаттиқ азот-гумусли ўғитлар олиш технологияси «Farg'onaazot» АЖда амалиётга тадбиқ этилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 21 февралдаги 03-754/Л сон маълумотномаси). Натижада самарадорлиги юқори бўлган қаттиқ азот-гумусли ўғитлар олиш имконини берган;

ишлаб чиқарилган ўғитлар дала шароитида қишлоқ хўжалиги экинларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 02/23-132 сон маълумотномаси). Натижада ўғитларнинг пахта ва буғдойда ўтказилган

агрохимёвий синови назорат вариантга нисбатан пахта ҳосилини 4,1 ц/га, буғдой ҳосилини 12,7 ц/га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 5 та Республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қазиб олинадиган кўмирлар асосида органик минерал ўғитлар ва мелиорантлар олиш ва қўллаш**» номли биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган, унда кўмирларнинг таркиби ва тузилишини тавсифи, хусусиятлари, гумин кислоталар, органик минерал ўғитлар ва гуминли мелиорантларни олиниши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда аҳамияти ёзилган. Органик минерал ўғитлар ва тупроқ мелиорантларини ишлаб чиқариш ва қўллаш таҳлил қилинган, қазиб олинадиган кўмирлар асосида органик минерал ўғитлар ва тупроқ мелиорантлари олиш бўйича патент ишларини шарҳи келтирилган. Адабиётлар таҳлили юқори самарали органик минерал ўғитлар, азот-гумусли, фосфор-гумусли ўғитлар ва гуминли мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва қишлоқ хўжалигида қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг «**Ангрен кони кўнғир кўмирини оксидлаш жараёнларини тадқиқоти**» номли иккинчи бобида Ангрен кони кўнғир кўмирини органик қисмини максимал даражада гумин кислоталарга айлантириш мақсадида нитрат кислотада, нитрат кислотада сирка кислота иштирокида, водород перексидда сирка кислота иштирокида ва нитрат кислотада босқичли оксидлаш жараёнларини физик-химёвий асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар учун одатдаги ҳаво шароитида қуритилган қуйидаги таркибга (%): намлиги 14,1; кули 13,7; органик қисми 72,2; ва органик қисмига нисбатан гумин кислоталари 4,1 бўлган Ангрен кони кўнғир кўмири фойдаланилди. Дастлабки кўмирда ўтказилган минералогик таҳлил унинг таркибида кварц, кальцит, пироксен, опал, дала шпати, магнетит, мусковит борлигини кўрсатди. Кўнғир кўмирни микроскопик таҳлили кўмир микро ғовакли тузилишга, ғоваклар 0,001-0,002 мм катта бўлмаган доира ёки линзасимон кўринишга эгаллигини кўрсатди. Бундай тузилиш кўнғир кўмирни юқори намлик сифимга эга экани билан боғлиқ. Ушбу кўмирда 85% ҳажмидан кам бўлмаган қисми фюзенга, 5-7 % эса кларен ва витренга тўғри келади. Фақатгина 1-2% ҳажмини тиниқ қизғиш рангдаги ўсимликка тегишли бўлган пўстлоқ ташкил қилади. Пўстлоқ қолдиқлари ўсимлик новдалари сиртида жойлашган пўстлоқ каби кўмир қатламларининг аниқ устки қисмида жойлашган. Кўмир кулини масс-спектроскопик таҳлили унинг таркибида бир қатор микроэлементлар: Fe, Mg, Ba, B, Mn, Ti, Cu, Zn ва Mo борлигини кўрсатди.

Ушбу кўмир таркибида гумин кислоталар миқдорини кўпайтириш мақсадида нитрат кислотада оксидлаш жараёнлари тадқиқ қилинди. Оксидлаш жараёнлари нитрат кислотанинг концентрацияси 10 дан 40 %-гача, ҳарорат 30 дан 60⁰С гача, давомийлиги 30-120 дақиқа ва таъсирлашувчи кўмир ва HNO₃ ўзаро масса нисбати 1 : 0,4 дан 1 : 2 гача бўлган оралиғида ўтказилди. Бу ерда, кўмир ва HNO₃ масса нисбатлари кўмирни органик қисми ва нитрат кислота моногидратининг ўзаро масса нисбатларини билдиради.

Тажрибалар винтли аралаштиргич ва ҳароратни керакли даражада ушлаб турувчи қобик билан таъминланган цилиндрсимон шиша реакторда амалга оширилди. Реакторга кислота қуйиб белгиланган ҳарорат ўрнатилди, аралаштиргични ишга тушириб, реакторга ўлчаб олинган кўмир солинди. Жараён тугагандан сўнг реакция массаси қаттиқ ва суюқ фазаларга ажратилди. Қаттиқ фазани нитрат кислотада дистилланган сув билан нейтрал муҳитга қадар ювилди ва одатдаги ҳаво ҳароратида қуритиб, маълум усуллар ёрдамида унинг намлиги, кули, органик қисми ҳамда гумин ва фульвокислоталар миқдорлари аниқланди.

Кўнғир кўмирни турли концентрацияли нитрат кислотада оксидлаганда чиқадиган азот оксидлари миқдори ҳам аниқланди. Улар сув насоси ёрдамида NaOH нинг 0,5 N эритмаси қуйилган юткичлар орқали ўтказилди. Барча эритмаларни битта колбага йиғиб 500 мл гача суюлтирилди, сўнг ундан Къельдал усули бўйича азотни аниқлаш учун наъмуна олинди. Тажриба натижалари биринчи жадвалда келтирилган.

Жадвалдан нитрат кислотанинг концентрацияси ва меъёрига боғлиқ ҳолда оксидланган кўмирининг таркиби қандай ўзгараётгани кўриниб турибди. Оксидланган кўмир миқдори дастлабки кўмирнинг органик қисмига нисбатан 122,1 % ортмоқда. Нитрат кислотанинг концентрацияси 40 %, кўмир : HNO₃ = 1 : 2, ҳарорат 40⁰С ва давомийлиги икки соат бўлганда дастлабки кўмирнинг 30,3 % оксидланмасдан сақланиб қолмоқда. Бунда

оксидлашнинг асосий мақсади кўмирдаги гумин кислоталарни кўп миқдорда оширишга эришилди, яъни унинг миқдори дастлабки кўмирдаги 4,1 % дан оксидланган кўмирда 57,2 % гача ошди. Оксидлаш жараёнини вақтга ва ҳароратга боғлиқлиги нитрат кислота концентрацияси 30 ва 40 %, ўзаро нисбатлар кўмир : $\text{HNO}_3 = 1:1,6$ бўлган шароитда ўрганилди. Оксидлашнинг мақбул ҳарорати 40°C да кузатилди. Ушбу ҳароратда максимал миқдордаги оксидланган (121,14 ва 123,72%) ва ундаги гумин кислоталарнинг миқдори ҳам энг кўпдир (49,29 ва 52,79 %). Шу билан бирга оксидланган кўмирдаги гумин кислоталарнинг энг кўп миқдорига 60 дақиқалик ўзаро таъсирлашувда эришиш мумкинлиги аниқланди. Оксидлаш жараёнини ортиқча давом эттирганимизда фақат газ фазага азот оксидларини 4,3% ортиши аниқланди.

1-жадвал

Нитрат кислотада оксидланган кўмир кимёвий таркиби

Оксидланиш маҳсулотлари	HNO_3 , %	Кўмир : HNO_3 ўзаро нисбати						
		1 : 0,4	1 : 0,6	1 : 0,8	1 : 1	1 : 1,2	1 : 1,6	1 : 2
		Олинган маҳсулотнинг органик қисмига нисбатан, %						
Сувда эрийдиган моддалар	10	6,1	6,4	6,9	7,1	7,5		
	20	6,37	6,9	7,36	8,1	8,65		
	30	6,3	7,1	7,2	7,7	8,7	9,05	9,4
	40	6,4	7,3	7,9	8,7	9,1	9,7	10,1
Оксидланган кўмир	10	111	112,3	113,2	114	114,5		
	20	115	116	118,5	118,7	119,7		
	30	116	117,3	118,7	119	119,7	120,2	121,6
	40	117	118,2	119,1	119,5	119,9	121,2	122,1
Ишқорда эрийдиган моддалар	10	18,7	19,6	20,4	21,4	23,4		
	20	37,8	39,6	40,64	41,6	41,9		
	30	40,7	42,9	46,8	48,3	49,3	51,8	56,4
	40	41,6	48,2	48,6	52,2	53,55	55,9	59,6
Гумин кислоталар	10	17,6	18,0	18,7	19,5	22,0		
	20	36,0	37,5	38,4	38,6	39,1		
	30	38,6	40,4	44,0	44,6	45,1	48,7	54,3
	40	39,0	45,5	45,6	47,1	48,75	52,3	57,2
Фульво-кислоталар	10	1,1	1,61	1,7	1,9	1,41		
	20	1,8	2,1	2,24	3,2	2,9		
	30	2,1	2,5	2,8	3,7	4,2	3,15	2,1
	40	2,6	2,7	3,1	5,1	4,8	3,6	2,4
Қолдиқ кўмир	10	75,2	74,0	72,7	71,5	69,1		
	20	56,0	53,5	52,0	50,3	49,5		
	30	53,0	50,0	46,0	44,0	42,0	39,1	34,2
	40	52,0	44,5	43,5	39,1	37,3	34,4	30,3
Азот оксидлари ($\text{NO} + \text{NO}_2$) ажралиши, азот ҳисобида	10	2,18	2,39	2,41	1,04	0,5		
	20	6,5	10,3	10,6	6,8	6,3		
	30	17,1	19,3	14,5	11,42	9,36	7,0	5,4
	40	22,6	20,65	19,64	16,6	14,54	12,1	9,2

Дастлабки ва оксидланган кўмирлар, улардан ажратилган гумин кислоталар ва қолдиқ кўмирларнинг элемент таркиби ҳамда ушбу

моддалардаги функционал группалар миқдорлари аниқланди. Ангрен қўнғир кўмирини нитрат кислотада оксидлаш натижасида олинган маҳсулотларда азот, кислород ва функционал группалар миқдори дастлабки кўмирдагига ва унинг гумин кислоталаридагига нисбатан кўпдир. Агар дастлабки кўмирда карбоксил группа 0,56 мг-экв/г ни, гидроксил группа 1,64 мг-экв/г ни ташкил қилган бўлса, оксидланган кўмирда ушбу рақамлар мос равишда 3,032 мг-экв/г ва 4,4 мг-экв/г ни, оксидланган кўмирнинг гумин кислоталарида эса 5,02 мг-экв/г ва 4,64 мг-экв/г ни ташкил этмоқда.

Қўнғир кўмирни нитрат кислотада сирка кислота иштирокида оксидлаш жараёни қуйдагича ўтказилди, дастлаб кўмирга хавончада сирка кислота билан 30 дақиқа давомида 1 : (0,05 - 0,2) масса нисбатларда механик ишлов берилди. Сирка кислота билан ишлов берилган кўмир сочулувчан ҳолатда қолди. Сўнгра сирка кислотада ишлов берилган кўмирни нитрат кислотада оксидлаш жараёнлари нитрат кислотанинг концентрацияси 10 дан 30 %-гача, ҳарорат 40°C, давомийлиги 120 дақиқа ва кўмир : HNO₃ = 1 : 2 тенг бўлган масса нисбатларида ўтказилди. Оксидланган кўмир таркиби юқорида қайд этилган усуллар ёрдамида таҳлил қилинди. Тажриба натижалари иккинчи жадвалда келтирилган. Олинган натижалардан сирка кислотанинг меъёрига боғлиқ равишда оксидланган кўмир таркиби қандай ўзгариши кўриниб турибди. Кўмир : CH₃COOH = 1 : 0,2 нисбатда оксидланган кўмир миқдори дастлабки кўмир органик қисмига нисбатан 124,2% ошди. Нитрат кислота концентрацияси 30%, кўмир : HNO₃ = 1 : 2 нисбатида, ҳарорат 40°C ва 2 соат давомида кўмир оксидланганда кўмирнинг 17,3% оксидланмаган ҳолатда қолди. Гумин кислоталар миқдори дастлабки кўмирдаги 4,1 % дан оксидланган кўмирда 66,1% гача ошди.

2-жадвал

Нитрат кислотада сирка кислота иштирокида оксидланган кўмир маҳсулотлари таркиби

Кўмир : CH ₃ COOH ўзаро нисбати	HNO ₃ , %	Оксидланган кўмирнинг органик қисмига нисбатан аниқланган компонентлар, %					
		Оксид- ланган кўмир	Ишқорда эрийдиган моддалар	Гумин кислота	Фульво- кислота	Сувда эрийдиган моддалар	Қолдиқ кўмир
1 : 0,05	10	115,4	28,9	27,3	1,6	8,7	62,4
1 : 0,1		116,2	35,1	33,3	1,8	9,21	55,69
1 : 0,15		116,9	75,1	37,7	2,3	10,15	49,85
1 : 0,2		117,2	44,1	41,4	2,7	11,28	44,62
1 : 0,05	20	120,1	49,1	47,2	1,9	10,4	40,5
1 : 0,1		120,9	55,2	53,1	2,1	11,15	33,65
1 : 0,15		121,4	60,1	57,5	2,6	12,2	27,7
1 : 0,2		121,7	63,5	60,4	3,1	12,8	23,7
1 : 0,05	30	122,5	61,6	59,5	2,1	10,9	27,5
1 : 0,1		123,4	63,8	61,2	2,6	11,3	24,9
1 : 0,15		123,9	65,6	63,8	2,8	12,2	21,5
1 : 0,2		124,2	69,3	66,1	3,2	13,4	17,3

Дастлабки ва оксидланган кўмирлар, улардан ажратилган гумин кислоталар ва қолдиқ кўмирлардаги функционал группалар миқдорлари аниқланди. Оксидлаш натижасида олинган маҳсулотларда функционал группалар миқдори дастлабки кўмирдагига ва унинг гумин кислоталаридагига нисбатан кўпдир. Агар дастлабки кўмирда карбоксил группа 0,56 мг-экв/г ни, гидроксил группа 1,64 мг-экв/г ни ташкил қилса, оксидланган кўмирда ушбу рақамлар мос равишда 5,76 мг-экв/г ва 3,94 мг-экв/г ни, оксидланган кўмирнинг гумин кислоталарида эса 7,57 мг-экв/г ва 5,08 мг-экв/г ни ташкил этди.

3-жадвал

Водород перексидда сирка кислота иштирокида оксидланган кўмир маҳсулотлари таркиби

Кўмир : H ₂ O ₂ : CH ₃ COOH ўзаро нисбати	Оксидланган маҳсулот чиқиши, %	Оксидланган кўмирнинг органик қисмига нисбатан аниқланган компонентлар, %		
		Гумин кислота	Фульвокислота	Қолдиқ кўмир
Водород перексид 60 %, сирка кислота 98,8 %				
1 : 0,2 : 0,1	104,63	37,2	3,22	59,58
1 : 0,4 : 0,1	105,46	45,26	4,41	50,33
1 : 0,6 : 0,1	105,47	48,41	4,0	47,59
1 : 0,8 : 0,1	105,2	50,22	3,56	46,24
1 : 1 : 0,1	104,96	51,65	2,28	46,07
Водород перексид 50 %, сирка кислота 98,8 %				
1 : 0,2 : 0,1	105,49	41,34	4,45	54,21
1 : 0,4 : 0,1	104,97	47,22	5,2	47,58
1 : 0,6 : 0,1	105,26	50,36	4,36	45,28
1 : 1 : 0,1	104,94	50,85	3,11	46,04
1 : 0,4 : 0,2	109,22	54,51	5,96	39,54
Водород перексид 40 %, сирка кислота 60 %				
1 : 0,2 : 0,1	105,65	45,14	4,79	50,07
1 : 0,3 : 0,1	105,29	56,72	5,36	37,92
1 : 0,4 : 0,1	106,00	61,37	5,78	32,85
1 : 0,6 : 0,1	105,7	62,31	5,33	32,36
1 : 0,8 : 0,1	105,9	64,36	4,94	30,7
Водород перексид 35 %, сирка кислота 60 %				
1 : 0,2 : 0,1	107,98	50,2	3,18	46,62
1 : 0,3 : 0,1	108,56	59,31	3,76	36,93
1 : 0,35 : 0,1	108,98	64,17	4,38	31,65
1 : 0,4 : 0,2	109,21	61,18	5,18	33,64
1 : 0,4 : 0,4	109,71	63,7	5,79	30,51

Кўнғир кўмирни водород перексидда сирка кислота иштирокида оксидлаш жараёни водород перексиднинг 35 дан 60 %-гача сирка кислотанинг 60 дан 98 %-гача бўлган концентрацияларида ва кўмир : H₂O₂ : CH₃COOH нинг 1 : 0,2 : 0,1 дан 1 : 1 : 0,4 бўлган масса нисбатларида ўтказилди. Дастлаб кўмирга механик хавончада сирка кислота билан 30 дақиқа давомида ишлов берилди, сирка кислота билан ишлов берилган кўмир

сочулувчан ҳолатда қолди. Сўнгра сирка кислотада ишлов берилган кўмир реакторга ўтказилди ва аралаштириш давомида водород перексид кўшилди. Уларнинг таъсирлашуви 1 соат давом эттирилди. Барча тажрибаларда жараён тамом бўлгандан сўнг реакцион масса хона ҳароратида қуритилди ва намлиги, кули, органик моддалари, фульвокислота ва гумин кислота миқдорлари аниқланди. Тажриба натижалари учунчи жадвалда келтирилган.

Олинган натижалардан кўриниб турибди, энг кўп гумин кислота миқдори 64,36% водород перексиднинг 40%-ли, сирка кислотанинг 60 %-ли эримасида ва кўмир : H_2O_2 : CH_3COOH = 1 : 0,8 : 0,1 масса нисбатида оксидланган кўмирда ҳосил бўлди. Деярли шундай миқдордаги гумин кислота миқдори 64,17 % водород перексиднинг 35%-ли, сирка кислотанинг 60%-ли эритмасида ва кўмир : H_2O_2 : CH_3COOH = 1 : 0,35 : 0,1 масса нисбатда оксидланган кўмирда ҳосил бўлди.

Олинган маҳсулотларда функционал группалар миқдорлари аниқланди. Оксидланган кўмир сифатида водород перексиднинг 35%-ли, сирка кислотанинг 60 %-ли эритмасида ва кўмир : H_2O_2 : CH_3COOH = 1 : 0,35 : 0,1 масса нисбатида оксидланган кўмир олинди. Таҳлил натижалари оксидлаш натижасида олинган маҳсулотларда функционал группалар миқдори ортишини кўрсатди. Агар дастлабки кўмирда карбоксил группа 0,56 мг-экв/г ни, гидроксил группа 1,64 мг-экв/г ни ташкил қилса, оксидланган кўмирда ушбу рақамлар мос равишда 4,6 мг-экв/г ва 2,7 мг-экв/г ни, оксидланган кўмирнинг гумин кислоталарида эса 6,47 мг-экв/г ва 3,81 мг-экв/г ни ташкил этди.

Дастлабки кўмир органик қисмини тўлароқ гумин кислоталарга айлантириш ва улар асосида азот-гумусли ўғитлар олиш мақсадида кўнғир кўмирни нитрат кислотада босқичли оксидлаш жараёнлари ўрганилди. Босқичли оксидлаш юқорида қайд этилган мақбул шароитда олиб борилди, яъни нитрат кислотанинг концентрацияси 30%, оксидлаш ҳарорати 40°C, давомийлиги 1 соат, кўмирни органик қисмини нитрат кислота моногидратига бўлган ўзаро нисбати 1 : (1,6-2) бўлган режимда олиб борилди.

Дастлабки кўмир биринчи босқичда оксидлангандан ва ундан гумин кислоталар ажратиб олингандан кейин қолдиқ кўмир биринчи босқичдаги режимда қайта оксидланди. Тажриба натижалари тўртинчи жадвалда келтирилган. Жадвалдан қолдиқ кўмир иккинчи босқичда оксидлагандан сўнг таркиби қандай ўзгариши кўриниб турибди. Демак, нитрат кислота концентрацияси 30%, масса нисбат кўмир : HNO_3 = 1 : 2, ҳарорат 40°C бўлганда оксидланган кўмир миқдори қолдиқ кўмирнинг органик қисмига нисбатан 115,21% ортмоқда. Иккинчи босқичда оксидлангандан сўнг гумин кислоталарни чиқиши 54,12% ташкил этди. Дастлабки кўмирнинг органик қисмига нисбатан гумин кислоталарнинг умумий чиқиши 91,96%, ундан ташқари сувда эрувчан органик моддалар ҳосил бўлди.

Ангрен кўнғир кўмирини, нитрат кислотада оксидланган кўмир маҳсулотларининг графостатик ва ИК-спектроскопик тадқиқотлари

ўтказилди. Кўмир молекуласини оксидлаб парчалаш натижасида парчаланган жойларда фаол функционал группалар ҳосил бўлиши ва кўмирни нитрат кислотада қайта ишлаганда оксидланиш, дегидрогенланиш ва карбоксилланиш жараёнлари рўй бериши кўрсатилди.

Кўмирни нитрат кислотада оксидлаганда газ фазага ажралиб чиқадиган NO ва NO₂ газларни нитрат кислотанинг паст концентрацияли эритмалари билан абсорбциялаш жараёнлари тадқиқотлари бажарилди. Ажралиб чиқадиган азот оксидларини 5%-ли нитрат кислота эритмаси билан икки босқичда абсорбциялаш азот оксидларини 92,3%-гача газ фазага ажралиб чиқишини камайтиришини кўрсатди, ушбу усулнинг афзаллиги азот оксидларини сув билан таъсирлашиб нитрат кислотага айланишидир. Ҳосил бўлган нитрат кислота эса кўмирни янги партиясини оксидлаш учун тизимга қайтарилади.

4-жадвал

Босқичли оксидланган кўмирни чиқиши ва кимёвий таркиби

Наъмуналар номи	Органик моддалар, %	Оксидланиш маҳсулоти, %	Оксидланган кўмирнинг органик қисмига нисбатан аниқланган компонентлар, %		
			Гумин кислота	Фульво-кислота	Сувда эрийдиган моддалар
HNO ₃ концентрацияси 30%, кўмир : HNO ₃ масса нисбати 1 : 1,6, ҳарорат 40°C					
Дастлабки кўмир	72,2	-	4,1	-	-
1-босқич оксидлаш маҳсулоти	89,57	120,2	48,7	3,15	9,05
Қолдиқ кўмир	81,13	-	-	-	-
Қолдиқ кўмирни оксидлаш маҳсулоти	82,65	114,68	47,56	2,9	7,12
2-босқич оксидлаш қолдиқ кўмири	67,58	-	-	-	-
HNO ₃ концентрацияси 30%, кўмир: HNO ₃ масса нисбати 1 : 2, ҳарорат 40°C					
1-босқич оксидлаш маҳсулоти	90,18	121,6	54,3	2,1	9,4
Қолдиқ кўмир	79,82	-	-	-	-
Қолдиқ кўмирни оксидлаш маҳсулоти	81,62	115,21	54,12	1,96	8,49
2-босқич оксидлаш қолдиқ кўмири	63,81	-	-	-	-

Шунингдек кўмирни нитрат кислотада оксидлаш жараёнига карбамид кўшиш ёрдамида газ фазага ажраладиган азот оксидларини камайтириш имкониятлари ўрганилди. Кўмирни нитрат кислотада ва карбамид иштирокида оксидлаш реакцияларининг термодинамик таҳлили бажарилди. Кўмирнинг бир оғирлик қисмига 0,2 оғирлик қисмдаги карбамид қўшилганда газ фазага ажралиб чиқадиган азот оксидларини миқдори 95,54 %-га

камайиши аниқланди. Карбамид қўшилиши гумин кислоталари миқдорини бироз камайтиради ва мос равишда қолдиқ кўмир миқдорини кўпайтиради.

Диссертациянинг **“Оксидланган Ангрен кўмири гумин кислоталарининг Марказий Қизилқум фосфоритлари ҳамда нитрат ва фосфат кислоталарнинг кальцийли тузлари билан ўзаро таъсирлашуви”** деб номланган учинчи бобида оксидланган Ангрен қўнғир кўмири гумин кислоталарини кальций нитрат, моно, ди- ва трикальцийфосфатлар ҳамда Қизилқум фосфоритларининг оддий фосфорит уни, чангсимон фракцияси ва термик бойитилган концентратлари билан ўзаро таъсирлашувини кальцийли бирикмалар ва гумин кислоталарнинг 1 : 01 дан 1 : 2 гача бўлган масса нисбатларида ўрганилди. Кўмирнинг органик қисмини нитрат кислота моногидратига 1 : 2 ўзаро нисбатда олинган кўмирни 30 %-ли нитрат кислота билан 40°C да икки соат давомида оксидланди. Дастлабки кўмирнинг органик қисмига нисбатан 121,6 % миқдориди олинган оксидланган маҳсулот таркибида мос равишда 9,4 ва 56,4 % сувда ва ишқорда эрийдиган моддалар, 54,3 % гумин кислоталари, 2,1 % фулвокислоталар ва 34,2 % қолдиқ кўмир бор. Оксидланган кўмирдан гумин кислоталар қуйидагича ажратиб олинди. Оксидлаш жараёни тамом бўлгандан сўнг суяқ фазадан қаттиқ фаза центрифугалаш йўли билан ажратилди. Сўнгра қаттиқ фаза сув билан нитрат кислотадан нейтрал муҳитгача ювилди. Қаттиқ фазадан гумин кислоталар 1 %-ли NaOH сувли эритмаси ёрдамида экстракцияланди. Гумин кислоталарни чўкмага тушириш учун филтратга 5 %-ли HCl эритмаси билан ишлов бердик. Олинган чўкма хлор ионларидан сув ёрдамида тозаланди ва 70°C да ўзгармас массагача қуритилди. Оксидланган кўмирдан ажратилган гумин кислоталарнинг таркиби қуйидагича (%.): намлиги 3,83; кули 6,63; углерод 51,11; водород 3,26; азот 3,76; кислород ва олтингугурт 41,87; функционал группалар; -COOH 5,02 мг-экв/г, -OH 4,64 мг-экв/г.

Юқорида қайд этилган бирикмалар билан гумин кислоталарнинг ўзаро таъсирлашувини қуйидагича ўргандик. Моддаларни фарфорли ховончага солиб 30 дақиқа давомида бир хил ўлчамга эга бўлгунча майдаладик. Сўнгра уларни 250 мл ли колбага солиб устидан 100 мл дистирланган сув қуйдик. Колбаларни ротацион аппаратга ўрнатиб, аралашмаларни 6 соат давомида аралаштирдик ва 25°C да 17-18 соат давомида ушлаб турдик. Бу вақт трикальцийфосфат ва фосфоритлар билан бўлган тажрибаларда 60 суткани ташкил қилди. Сўнгра эритмаларни филтрлаб филтратдаги сувда эрийдиган P₂O₅ ва CaO миқдорларини аниқладик. Чўкмаларни колбага қайтариб солиб, Трилон Б 0,2 М эритмасида эритиб, ўзлашувчан шаклдаги P₂O₅ миқдорини аниқладик.

Тажриба натижалари, кальций нитрат билан ўзаро таъсирлашув учун гумин кислоталар қанча кўп олинса системада эркин нитрат кислоталар кўпайиши ва сувда эримайдиган кальций гуматлар ҳосил бўлиши туфайли, сувда эрийдиган CaO миқдори камайишини кўрсатди. Шу билан бирга маҳсулотнинг муҳити кескин тушди. Кальций нитрат ва гумин кислоталар аралашмасини тупроққа солиш қуйидаги нуқтаий назардан мақсадга

мувофиқдир. Биринчидан, тупроқдаги гумуснинг миқдори ортади. Иккинчидан кальций бундай аралашмада тез ўзлашадиган кальций нитрат кўринишида ва секин ўзлашадиган кальций гумат шаклида бўлади. Учинчидан эса, аралашмада ажраладиган нитрат кислота тупроқ фосфатларини эришига ёрдам беради.

Гумин кислоталар монокальцийфосфат билан ўзаро таъсирлашув реакцияси туфайли ажралиб чиқадиган фосфат кислотаси жараённинг номутаносиблашувига тўсқинлик қилади, натижада аралашмадаги фосфор тўла сувда эрийдиган шаклда қолади. Гумин кислоталар дикальцийфосфат билан 2 : 1 ўзаро нисбатда таъсирлашганда фосфор деярли тўла сувда эримайдиган шаклдан сувда эрийдиган шаклга ўтади. Гумин кислоталар трикальцийфосфат билан 2 : 1 ўзаро нисбатда таъсирлашганда таркибида умумий фосфорга нибатан 31,25 % сувда эрийдиган ва 91,07 % ўзлашувчан P₂O₅ бўлган аралашма ҳосил бўлди. Энг яхши натижалар фосфат хом ашёсини ва гумин кислоталарнинг ўзаро масса нисбатлари 1 : 2 бўлганда олинди. Бир суткалик ўзаро таъсирлашувдан сўнг ўзлашувчан P₂O₅ оддий фосфорит унида 12,34 %-дан 47,86 %-гача, чангсимон фракцияда 9,87 %-дан 53,72 %-гача, термик бойитилган концентратда эса 0,1 дан 35,05 %-гача ортишини кўрсатди.

Диссертациянинг «Оксидланган Ангрен кўнғир кўмири асосида органик минерал, азот-гумусли, фосфор-гумусли, ўғитлар ва гуминли мелиорантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида органик минерал ўғитлар ва гуминли тупроқ мелиорантлари олиш жараёнлари тадқиқотлари келтирилган.

Органик минерал ўғитлар олиш учун Қизилқум фосфорит комбинатининг оддий фосфорит уни, чангсимон фракцияси, ювиб термик бойитилган фосфорит концентрати фойдаланилди. Хом ашё таркиби бешинчи жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Дастлабки фосфорит хом ашёлари таркиби, %


Фосфорит турлари	P ₂ O ₅	CaO	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	MgO	F	CO ₂	CaO/ P ₂ O ₅
Оддий фосфорит уни	18,8	46,71	1,24	1,05	1,75	2,0	15,19	2,48
Чангсимон фракция	18,54	44,72	0,95	0,80	0,80	2,22	14,80	2,41
Ювиб куйдирилган концентрат	26,86	46,54	0,35	0,55	0,61	3,12	6,20	1,73

Органик минерал ўғитлар олиш жараёнлари қуйдагича ўтказилди. Винтли аралаштиргич ва ҳароратни ушлаб турувчи қобик билан таъминланган цилиндрсимон шиша реакторга 30 %-ли нитрат кислота сувли эритмаси қуйилди. Ҳарорат 40°C етганидан сўнг аралаштиргични ишга солиб аста секин ўлчаб қўйилган кўмир солинди. Кўмирнинг органик қисми ва нитрат кислота моногидратининг массалари 1 : 1,6 ва 1 : 2 ўзаро нисбатда олинди. Кўмирни 75 дақиқа давомида оксидладик. Оксидланган маҳсулот билан фосфат хом ашёсини қайта ишладик. Фосфоритлар миқдори кўмирни оксидлаш учун олинган нитрат кислота миқдorigа нисбатан ҳисобланди.

Ушбу кислота фосфоритларни парчалаш учун хом ашёдаги кальций оксидига нисбатан 40-80% стехиометрик меъёрда олинди.

Фосфоритларни парчалашни 40°C да бир соат давомида ўтказдик. Сўнгра мухитни 3,8-4,2 гача газсимон аммиак ёрдамида нейтралладик, маҳсулотларни 4-6% намлик қолгунча 70-75°C да қуритдик ва таҳлил қилдик. Таҳлиллар маълум усуллар бўйича ўтказилди. Маҳсулотдаги ўзлашувчан шаклдаги P_2O_5 2 %-ли лимон кислота ва Трилон Б 0,2 молярли эритмаларида аниқланди. Натижалар 1- расмда келтирилган.

Графикдан кўришиб турибдики нитрат кислотанинг меъёри ортиши ва фосфат хом ашёси миқдори камайиши маҳсулотлардаги умумий P_2O_5 камайишига, аммо ўзлашувчан шаклдаги P_2O_5 нинг нисбий миқдори ҳамда сувда эрийдиган шаклдаги CaO, азот, органик моддалар ва гумин кислоталар миқдори кўпайишига олиб келади. Кўмир : $HNO_3 = 1 : 1,6$ ўзаро нисбатда, оддий фосфорит унидаги CaO га нитрат кислотанинг стехиометрик меъёри




1-расм. Ўзлашувчан шаклдаги P_2O_5 нинг нисбий миқдорини HNO_3 меъёрига ва кўмир : HNO_3 ўзаро нисбатига боғлиқлиги. (I) лимон кислота 2%-ли ва (II) трилон Б 0,2 молярли эритмаси бўйича. Дастлабки хом ашё фосфорит уни.

70% бўлганда азот ва фосфор массалари 1 : 1 ўзаро нисбатдаги ва умумий P_2O_5 8,68%; лимон кислота бўйича ўзлашувчан P_2O_5 6,67%; нисбий ўзлашувчан P_2O_5 77%; азот 8,51 %; органик моддалар 24,79 %; гумин кислоталари 12,85 %; нисбий сувда эрийдиган CaO 42%; озиқ моддаларнинг

умумий ($P_2O_5 + N + CaO + GK$) йиғиндиси 41,88 % бўлган органик минерал ўғит олинди. Таркиби бўйича худди шунга ўхшаш ўғитлар Марказий Қизилқум фосфорити чангсимон фракциясини қайта ишлаганда ҳам олинади.

Марказий Қизилқум оддий фосфорит унидан фойдаланиб органик минерал ўғит ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ҳисобланди, унинг мақбул технологик режими аниқланди ва принципиал технологик тизими таклиф қилинди (2-расм).

Кўмирни нитрат кислотада оксидланган маҳсулотлари билан Марказий Қизилқум фосфорит унини ва бойитилган фосфоритларни парчалашдан ҳосил бўлган қуйқаларнинг зичлиги ва қовушқоқлигини 30-60°C ҳарорат оарлиғидаги кўрсаткичлари аниқланди, ва қуйқалар тўла оқувчанлиги ва енгил ташилувчанлиги кўрсатилди. Ўғитларнинг товар хоссалари, хусусан гигроскопиклиги, намлик сиғими, ёпишқоқлиги ва физик мустаҳкамлиги аниқланди. Юқори гигроскопиклиги (гигроскопик нуқтаси 40%) маҳсулотни қошларга қадоқлашни талаб қилади. Ўғитлар ёпишиб қолмайди. Юқори намликка эга бўлганда ҳам улар тўла сочилувчанликни сақлайди. Ўғит доналарининг мустаҳкамлиги 2,4-2,6 МПа ни ташкил этади. Олинган ўғитларнинг термогравиметрик таҳлили бажарилди.



2-расм. Органик минерал ўғит олишнинг принципиал технологик тизими:

1,2 - HNO_3 учун таъминловчи сиғим; 3 - автоматик концентратор; 4 - реактор; 5 - аммонизатор; 6 - абсорбер; 7, 15 - вентилятор; 8 - шнекли аралаштиргич; 9 - барабанли қуритгич; 10 - циклон; 11 - скруббер; 12 - абсорбция суюқлигини йиғгич; 13-элак; 14-бўлаклагич.

Ангрен кўнғир кўмири ва Марказий Қизилқум фосфоритларидан органик минерал ўғит олишнинг технологияси куйдаги асосий босқичлардан иборат:


1. Қўнғир кўмирни нитрат кислотада оксидлаш;
2. Фосфоритни нитрат кислотали кўмирли бўтқада парчалаш;
3. Нордон маҳсулотни нейтраллаш;
4. Барабанли доналаштиргичда ретур қўшимчаси билан донадорлаш;
5. Маҳсулотни қуритиш;
6. Маҳсулотни майдалаш, элаш ва қадоқлаш.

Фосфор-гумусли ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқоти учун оддий фосфорит уни ва ювиб куйдирилган концентрат фойдаланилди. Уларни таркиби 5-жадвалда келтирилган.

Биринчи босқичда хом ашёдаги ўсимлик ўзлаштира олмайдиган P_2O_5 ни ўсимлик ўзлаштира оладиган шаклга ўтказиш мақсадида фосфорит хом ашёси экстракцион фосфор кислотаси билан ишлов берилди. Кислота меъёри қуйида келтирилган реакция бўйича монокальцифосфат ҳосил бўлишига ҳисоблаб 40, 60, 80 ва 100 % стехиометрик миқдорида олинди.



Фосфорит хом ашёсига фосфор кислотаси билан $70^\circ C$ да 60 дақиқа давомида ишлов берилди. Фосфорит хом ашёси фосфор кислотаси билан таъсирлашуви тугалланиши билан фосфоркислотали қуйқага нитрат кислотадан центрфуга ёрдамида ажратилган оксидланган кўмир қўшилди.




3-расм. Фосфор-гумусли ўғит олишнинг принципиал технологик тизими:

1, 2 – HNO_3 йиғичлари; 3 – автоматик концентратор; 4 – реактор; 5 – центрифуга; 6 – абсорбер; 7,17 – вентилятор; 8 – таъминлагич бункер; 9 – ЭФК учун йиғич; 10 – сарф ўлчагич; 11 – циклон; 12-13 – шнекли аралаштиргич; 14 – барабанли қуритгич; 15 – бўлаклагич; 16 – скруббер; 18 – элак.

